Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 октябрь, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 210 (958)

ТАШРИФ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

25 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Қулман Очил хабар қилади).
Мамлакатимиз Президентининг ХХРга давлат ташрифининг иккинчи куни Хитойдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — телевизор экранлари ишлаб чиқарувчи "Пекин-мацусита колор корпорейшн" Хитой-Япония қўшма корхонасини бориб кўришдан бошланди.

Ислом Каримов бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни билан қизиқди, ишчилар билан суҳбатлашди. Ушбу қўшма корхона йилига уч миллионга яқин замонавий кинескоп ишлаб чиқаради ва маҳсулотининг талай қисмини хорижга экспорт қилади.

Ўтган йил якунларига кўра, корпорация маҳсулотининг сифати ва салмоғи бўйича Хитойдаги энг яхши 10 саноат корхонасининг бири деб тан олинди. Айни пайтда корпорацияда уч мингга яқин киши меҳнат қилади.

— Корпорациямизга ташрифингиз биз учун катта шараф,-деди қўшма корхона президенти Цзян Пень мамлакатимиз раҳбарига. — Умид қиламизки, биз мазкур ташриф натижасида ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яхши алоқа ўрнатамиз.

Президент Ислом Каримов бугун ХХР Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида гап борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хитой матбуоти, радио ва телевидениеси Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифини алоҳида эътибор билан ёритмоқда. Кеча ва бугун барча газеталар Ўзбекистон, Ислом Каримов ҳақида, Президентимизнинг Пекинда ўтказган учрашувлари, музокаралари натижалари тўғрисида батафсил мақола ва ранг-баранг суратлар чоп этди. Жумладан, ХХРнинг энг йирик "Жэнь минь жибао" газетаси ўз мухбирининг ҳисоботида Ўзбекистон Президентининг сафари жуда самарали ўтаётгани ва бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишида муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Наманганда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ вилоятда ташкил этилган 19 та сайлов округидан биринчи чақириқ Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапигалиев ахборот берди.

Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов сессия иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқди. У бўлажак сайлов Ўзбекистон ҳаётидаги энг муҳим босқичлардан бири эканини, мамлакатимизнинг эртанги куни республиканинг қонун чиқарувчи олий органига кимларнинг сайланишига боғлиқлигини таъкидлади.

Сессияда вилоятдаги Задарё тумани номини ўзгартириш масаласи муҳокама қилинди. Вилоят кенгашининг сессияси туман меҳнаткашларининг истакларини эътиборга олиб, Задарё туман кенгаши сессиясининг туманга Миғбулоқ номини бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади. Вилоят кенгаши сессиясининг қарори кўриб чиқиш учун республика парламентига юборилди.

НОМЗОДЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама этилди. Сессия ишини бошқарган вилоят ҳокими М. Икромов Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга шу йил 25 декабрь куни бўладиган сайлов, уни ошкора ва демократик тарзда уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартибга кўра вилоятдаги 27 сайлов округи бўйича кўрсатилган номзодлар бирма-бир муҳокама қилинди ва маъқулланди. Улар орасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаоллик кўрсатаётган меҳнаткашлар вакиллари — муҳандис, ҳуқуқшунос, олим ва ижодкорлар бор. Номзодлар Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олиш учун тавсия этилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди. Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга сайлов демократик тамойилларга асосланган ҳолда кўппартиявийлик шароитида ўтказилиши билан муҳимдир, деди у жумладан. Шундай экан, депутатликка номзодлар ўзларига билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилишлари, янада фаол бўлишлари лозим. Зеро, сайловчилар мана шу озод ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қиладиган номзодларгагина овоз беради. Халқ ишончига сазовор бўлиш эса нафақат катта бахт, балки улкан масъулият ҳам демакдир.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР

ҚИРҚ ЙИЛ ТЎЛДИ

Хивадаги 121-махсус мактаб-интернат ташкил қилинганига 40 йил тўлди.

Бу ўқув-тарбия даргоҳида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган кўзи ожиз болаларга сабоқ берилади. Касб-ҳунар даргоҳи бўлган мактаб-интернатни битказган минглаб талабалар ишлаб чиқаришда фаол қатнашмоқда.

Ўқув даргоҳи тўйи тантанали нишонланди. Шу даргоҳда узоқ йиллар халол меҳнат қилиб келаётган муаллим-устозларнинг бир гуруҳига фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари, "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" нишонлари топширилди.

ЁРДАМЧИ КОРХОНАЛАР КОНИ ФОЙДА

Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати қошида иссиқ нон, терини қайта ишлаш, қандолат маҳсулотлари цехлари ишлаб турибди.

50 ўринли санаторий, 30 ўринли шифохона, ёзги кинотеатр, стадион, ҳаммом ишчилар хизматида. Корхона меҳнатчиларининг фарзандлари учун 280 ўринли боғча фаолият кўрсатаётир.

Суратда: терини қайта ишлаш цехи ишчиси Б. Тоштемиров.

ВОҚЕАЛАР ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР

ФЕРУЗ ҚУШИҚЛАРИ ЯНГРАДИ

Тошкент маданият техникумида буюк давлат арбоби, шоир, мусиқашунос, таржимон Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз таваллудининг 150 йиллигига бағишланган кеча бўлди.

Шоир ҳаёти ва ижодига доир асарлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўқитувчилардан Табассум Мўминова ва Халима Мелибоева Феруз асарларининг аҳамияти ҳақида гапирди. Даврада Феруз шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

АЪЛО МУАЛЛИМ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси муаллимларининг кўрик-танлови бўлди.

Унда қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ тилларида таълим бериладиган мактабларнинг 23 нафар ўқитувчиси иштирок этди. Қизғин беллашувларда Мўйноқ туманидан Хусниддин Бекназаров голиб чиқиб, "Йилнинг аъло муаллими" унвонини олди.

"ЧОРИГАР" ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ

Қарши шаҳридаги "Чоригар" маҳалласида "Эргаш" фирмаси иш бошлади. Тайёрланаётган турли хил қўғирчоқлар харидоргир чиқиб қолди. Вилоят боғчаларидан эса кўплаб буюртма тушаяпти.

Суратда: Нилуфар Бозорова иш устида.

ҚАЙТА ИШЛАНДИ

Ўзбекистон фанлар академиясининг электроника институтида яримкристалли қуёш элементларини ишлаб чиқариш технологиясидан янада самаралироқ фойдаланиш ва электрон саноати чиқиндиларини тўлиқ қайта ишлаш тартиби ишлаб чиқилди.

Кремнийдан қуёш нурини электр қувватига айлантиришда фойдаланилади. Бундан ташқари, уни халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришда ҳам қўллаш мумкин. Республика фан-техника давлат қўмитаси буюртмасига биноан мазкур ихтиро амалга оширилди. Хусусан, қайта ишланган кремнийдан радио асбобларида фойдаланиш мумкин. Агар электр чироқларида қўлланса, унинг фойдаланиш муддати бир неча баробар ортади.

ЯНГИЛИКЛАР

ШАНХАЙДАГИ УЧРАШУВЛАР

ШАНХАЙ, 25 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Қулман Очил хабар қилади). Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси бугун куннинг иккинчи ярмида Хитой Халқ Республикасининг саноати гуркираб ривожланаётган йирик шаҳарларидан бири Шанхайга етиб келди. Ушбу шаҳар Президент Ислом Каримовнинг Хитойга ташрифи дастуридан алоҳида ўрин олгани бежиз эмас. Шанхайда Пекиндагидан ҳам кўпроқ, яъни салкам 13 миллион аҳоли истиқомат қилади. Расмий маълумотларга қараганда, ХХР миллий даромадининг олтидан бир қисми шу шаҳарда ишлаб чиқарилади. Айни пайтда Хитойга келтирилаётган ва мамлакатдан хорижга жўнатилаётган юкнинг учдан бир қисми Шанхай орқали ўтади.

— Шанхай ва Тошкент — икки қадимий ва буюк шаҳарлар, мамлакатларимизнинг йирик саноат, маданият, фан ва маънавият марказларидир,— деди Ислом Каримов шаҳар раҳбарлари билан бўлган тантанали учрашувда.— Шунинг учун ҳам бу икки шаҳар нафақат ўзаро ҳамкорлик қилишга, ҳатто ўзаро биродарлашувга муносибдир.

Президент Ислом Каримовнинг Шанхайга ташрифи дастуридан йирик саноат корхоналари, савдо марказлари, қурилиш иншоотлари билан танишув кенг ўрин олган. Бугун мамлакатимиз раҳбари шаҳарнинг дилкушо жойларини бориб кўрди. Шанхайликлар билан суҳбатда бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

"ОҚ ОЛТИН"—94

ИШТИХОН ДУРДОНАСИ

Туман пахтакорлари Самарқанд вилоятида иккинчи бўлиб йиллик маррани забт этдилар. Улкан хирмонга 31.835 тонна ўрнига 32 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" топширилди. 10.884 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 30 центнердан юқори нав ҳосил йиғиштириб олинди.

Эришилган ютуққа Шариф Одилов номли, "Иттифоқ", "8 Март", "Уч қаҳрамон" ва "Ҳақиқат" ширкатлар уюшмалари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. "Уч қаҳрамон" ширкатлар уюшмасидан Норбўта Шакаров, Қурбонбой Омонов, "Ҳақиқат"ширкатлар уюшмасидан Тўрақул Юзбоев, "Туркистон" ширкатлар уюшмасидан Сайдулла Нарзиев бошлиқ бригадаларда эса гектар ҳосилдорлиги 40 центнердан ошди.

А. ТУРДИЕВ.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

25 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ОПИК (Хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорация) вице-президенти Роберт Драггон бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.

Бир неча кундан буён Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини синчковлиқ билан ўрганиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида тинмай ҳаракат қилаётгани учун Бахтиёр Ҳамидов ОПИК миссияси аъзоларига ташаккур билдирди. У АҚШ компаниялари билан ҳамкорлик мамлакатимизда бозор иқтисоднёти муносабатларининг тўла шаклланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Маълумки, ОПИК ҳукумат агентлиги бўлиб, у АҚШ хусусий компанияларининг 140 дан ортиқ мамлакатлардаги узоқ муддатли сармояларини қўллаб-қувватлайди, — деди Роберт Драггон. — Бугунги кунда америкалик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Миссиямиз таркибида АҚШнинг йирик 12 компанияси вакили бор. Улар Ўзбекистондаги ўндан ортиқ вазирлик, корхоналар вакиллари ва ўзбек ишбилармонлари билан учрашдилар.

ОПИК вице-президенти Роберт Драггон америкалик тадбиркорлар вакилларининг ташрифи жуда самарали бўлганини таъкидлаб, тез орада улар амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун Ўзбекистонга келадилар, деб умид билдирди. Шунингдек, у АҚШ компанияларининг Ўзбекистонга сармоя киритишини қўллаб-қувватлашда ОПИК Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда ишлашини айтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг бир неча вазирликлари ва муассасалари вакиллари иштирок этди.

Учрашув чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лин Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).



АНДИЖОН вилояти пахтакорлари бугун-эрта дастлабки маррани забт этадилар. Кунлик терим суръати ҳам шундан далолат бериб турибди. Аммо вилоятда режани аллақачон уддалаб, ҳамон теримни сусайтирмай, майдонларни ҳосилдан тозалаб, келаси йил ҳосилига замин яратаётган уста деҳқонлар ҳам оз эмас. Ҳаким Қосимов ана шундай пахтакорлардан бири. У бошлиқ бригада Асака туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида биринчилар қатори режани бажарган эди. Ҳозирча давлатга топширилган пахта миқдори режага нисбатан 130 фоиздан ошиб кетди.

СУРАТДА: Ҳ. Қосимов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

"ОВОЗИ ТОЖИК" ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ёритишдаги, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун "Овози тожик" газетаси Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 октябрь.

"Халқ сўзи" бонг уради

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕЙИЛМАСА БАРМОҚ ТИШЛАБ ҚОЛИШ МУМКИН

Ўтган қиш Бухоро чорвадорларига кўплаб талофат етказганини ҳали чорвадорлар унутганлари йўқ. Қаттиқ совуқ ҳамда ем-хашак танқислиги оқибатида кўплаб қўй-қўзи қирилиб кетди.

Хўш, жойлардаги раҳбарлар, чорвадорлар бундан тегишли хулоса чиқардиларми? Зеро, қиш ғамини ёзда ейилмаса, бармоқ тишлаб қолиш мумкин.

Бухоро вилоятида ўтган йил 26 сентябргача жами 166808 тонна дағал хашак тайёрланган бўлса, жорий йилнинг шу давригача бу кўрсаткич 154726 тоннани ташкил этибди, холос. Демак, олдинги йилга нисбатан 12082 тонна кам дағал хашак жамғарилган. Жумладан беда 7776 тонна, сенаж 24141 тонна, силос 25770 тонна кам йиғилганига нима дейиш мумкин? Эҳтимол, вилоятнинг чорвачиликка масъул раҳбарлари "ҳали кеч эмас, ноябргача яна анча озуқа тўплаймиз". деб юришган бўлса керак?

Вилоятда 1993 йилнинг 26 сентябригача жами озуқа бирлиги 106872 тоннани ташкил этган ҳолда, ҳар бир бош қорамол ҳисобига 8,0 центнердан озуқа бирлиги тайёрлашга эришилган эди. 1994 йилнинг шу ойи, шу кунигача эса жами озуқа бирлиги 90084 тонна бўлиб, бу кўрсаткич ҳар бир бош молга атиги 7,14 центнерга тўғри келаяпти, холос.

Мутахассисларнинг фикрича, чорвани қишловдан беталофот олиб чиқишни ният қилган чорвадор бир қорамол учун 18—20 центнер озуқа бирлиги тўплашга эришиши зарур экан. Тўғри, илгари пахта яккаҳокимлиги боис чорвадорларимизга қийин бўлиб келган эди. Ҳукуматимиз раҳбариятининг одилона сиёсати туфайли бундай бир еқлама қарашга барҳам берилди-ку, ахир. Энди ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, виждонан ишлаш вақти келди.

Худди шундай ишлаб муваффақиятга эришаётган жамоалар ҳам кўп. Масалан, Когон туманидаги Шароф Рашидов жамоа хўжалигида бу борада олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Хўжалик қишловга жами 5220 тонна ем-хашак жамлаб қўйибди. Бу ҳар бир қорамолга 10 центнер озуқа бирлиги дегани. Ҳали ушбу ҳисоб-китобга давлат томонидан бериладиган кепак, кунжара, шелуха каби озуқалар киргани йўқ. Жамоа ўтган йили 590 минг сўм соф ойда билан чиққан бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2 миллион атрофида бўлиши кўзда тутилмоқда. Жон куйдириб ишлаган ҳеч қачон ютқазмайди,

Умуман олганда, Когон тумани бўйича қишловга тайёргарлик ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди. Тўпланган жами ем-хашак 5981 тоннани ташкил этаётир. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2071 тонна кам демакдир. Вақт борида этакни ёпиш, озуқа-захирасини кўпайтириш зарур. Ҳозирча бунга имконият топса бўлади, кейин эса...

Қоракўл туманида ҳам ўтган йил шу давридагидан 1098 тонна, Ромитан туманида эса 7219 тонна кам ем-хашак жамланган.

Озуқа тўплаш кўпайиб бориш ўрнига, камайиб бораётгани ташвишли ҳол эмасми?

Чорва мутасаддиларининг гапига қараганда вилоят чорвадорлари 1 ноябргача яна 57 минг тонна дағал хашак, 65,1 минг тонна силос ва 61 минг тонна лавлаги жамғариш имконига эга эканлар. Шунда қишлов учун хўжаликларда жами 127,6 минг тонна ем-хашак тайёрланади. Ўшанда ҳар бош молга 10 центнер озуқа бирлиги тўғри келар экан. Аслида вилоят бўйича ҳар бир бош қорамол учун 11 центнер озуқа бирлиги тўплаш режалаштирилган. Иложи борича уни уддалаш даркор. Ўтган йил сабоги шуни тақозо этади...

Маннон ОТАБОЙ,
"Халқ сўзи" мухбири.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МУЛК ЭҒАЛИ БЎЛМАГАН ЖОЙДА ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ТАШАББУС БЎЛМАЙДИ

МУЛКДОР ҲАҚИҚИЙ СОҲИБ

— Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси мулкни хусусийлаштириш усуллари ва йўллари сиғиладиган, унинг механизмлари созланадиган ўзига хос майдон вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги пайтда "хусусий бўлмаган" дўконни топиш учун анча қидиришга тўғри келади — давлат савдо ва хизмат соҳаси корхоналарининг 80 фоизи мулкчилик шаклини ўзгартиришга муваффақ бўлди. Сотилган объектлар тақдири қай тарзда кечаётганини Давлат мулк қўмитаси кузатиб бораяптими?

— Вазифа анча мураккаб — республикамизда 50 мингдан зиёд корхона акциядорлик, жамоа, хусусий, ижара шаклларига ўтди. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш тизимида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ниҳоясига етказилмоқда. Икки йил муқаддам ислоҳотларнинг биринчи босқичи — "кичик хусусийлаштириш" бошланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармони иккинчи босқич бошланганидан далолат берди. Мазкур фармонда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш режалари белгиланди.

Республика ҳукумати очиқ ва самарали амал қиладиган бозор иқтисодиёти олға томон ҳаракат қилиши учун иқтисодий ва таркибий ўзгаришларнинг кенг кўламли дастурини ишлаб чиқди.

Кўпчилик корхона бутунлай сотиб олингандан кейин бизнинг унга бўлган муносабатимиз ҳам йўқолади, деб ҳисоблайди. Аслида ундай эмас. Маҳкамамизнинг тўлиқ номланишига эътибор беринг: Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси. Шу боис, мулкчилик шаклидан қатъий назар, иккинчи вазифамиз сақланиб қолаверади. Бунинг устига, биз нодавлат секторда рўй бераётган жараёнларни кузатиб боришимиз ҳамда энди иш бошлаган соҳибларга ёрдам кўрсатишимиз лозим.

Гапнинг очиғи — мулкни хусусийлаштириш ҳамма жойда ҳам тездан ижобий натижалар бераётгани йўқ. Бунга турли омиллар таъсир этмоқда. Маълумки, агар одам савдо қилаётган бўлса, у савдо-сотиқ ишларини билади, деб қараш унчалик тўғри бўлмайди. Ношудлар ҳам, афсуски, оз эмас. Дўконлар, қаҳвахоналар, ресторанларнинг кўпи ҳозирги вақтда оқсаб қолган. Улар ўз йўлини тополмаяпти, ҳақиқий "қиёфасига" эга эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги оралиқ натижаларга қарсак чалишга ҳали эрта. Аммо ижобий натижалар ҳам бор, албатта. Демак, шошилмаслик керак: "Жўжани кузда санайдилар" деган мақол бор-ку, ахир.

— Ўзгаришлар бир хил натижа бермаётганини ҳамма пайқаб турибди. Масалан, кўпчилик яхши биладиган "Ёшлик" мактаб-дўконини олиб кўрайлик. У акциядорлик шаклига ўтгач, ниҳоятда жозибали бўлиб қолди. Дўконга кирсангиз, ҳаммаёқ озода, саришта, товарларни танлаб-танлаб олиш имкони бор, ходимлар хушмуомала, сертабассум. Бу ўз шаънини юксак даражада қадрлайдиган дўкон раҳбари ва бутун жамоага боғлиқ. Шундай бўлиши ҳам керак-да. Бироқ кўп ҳолларда хусусийлаштирилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида аҳвол ёмонлашиб бораяпти.

— Қанчалик ғалати туюлмасин, баъзан шундай бўлади: шу соҳада узоқ йиллар ишлаб келган кишилар мустақил бўлгач, бирданига янгича ишлашга мослаша олмай, қийналиб қоладилар. Улар мулкдор бўлиш яхши эканлигини назарий жиҳатдан билганлар, аммо мулк эгаси бўлгандан кейин эса, илгари давлат ҳал қилиб келган сон-саноқсиз муаммолар олдидан чиқиб қоладилар.

Вазиятга тўғри баҳо бериш, аниқ йўлни топишга ҳамма ҳам қодир бўлавермайди, албатта. Шундай экан, тинмай ўрганишимиз, ўзимизда тадбиркорлик кўникмасини ҳосил қилишимиз лозим бўлади. Агар ўшанда ҳам иш юришмаса, касбни ўзгартириш керак. Нега деганда, ҳар ким ҳам яхши китоб ёзиш ёки расм чизишга қодир бўлавермаганидек, бизнес билан ҳам дуч келган одам шуғуллана олмайди.

— Хулоса шуки, пул, патент бўлгани билан соҳиблик вужудга келавермайди. Соҳибни тайинлаб ҳам бўлмайди. Бу даражага тайёргарлик кўриб, етишиб борилади. Хусусийлаштириш деганда мулкни сотишнигина тушуниш керак эмас, бу узоқ давом этадиган жараён. Ана шу жараённинг тамойиллари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳеч шубҳасиз, бу кўп қиррали, жуда мураккаб жараёндир. Ўзбекистон мустақилликка эришганига бор-йўғи уч йил бўлди, холос. Бу — у қадар катта муддат эмас. Бизда бир оз тажриба етишмаяпти, бунинг устига, аввалги неча ўн йилликларнинг таъсири ўзини кўрсатиб турибди.

Биз кўп қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Янгича тафаккур ва онг талаб этилмоқда. Эндиликда ишнинг кўзини биладиган мутахассислар зарур, улар эса йиллар мобайнида вояга етадилар. Шундай экан, ҳаммамиз биргаликда ўсишимиз, равнақ топишимиз, билимларни эгаллашимиз ҳамда аста-секин бозорга кириб боришимиз лозим бўлади.

Мулкни хусусийлаштиришга ташқи иқтисодий муаммолардан айрича қараб бўлмайди, албатта. Собиқ Иттифоқнинг ҳудудида хўжалик алоқаларини бошқатдан тиклаш зарур бўлиб турибди. Бу вазифани ҳал этиш ҳатто эски, ўзини тутиб олган корхоналарга ҳам осон бўлмаяпти. Бугунги кунда бозорга кириб бораётган хўжалик-иқтисодий фаолият янги субъектлари учун қанчалик қийин бўлаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. МДҲ доирасида иқтисодий интеграцияни йўлга қўйиш учун уринишлар бўлаяпти, аммо бу жараён жуда секинлик билан бормоқда. Бинобарин, айрим қаршиликлар ҳам кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, соғлом фикрли сиёсатдонлар ва иқтисодчилар биз — қўшнилар бундан кейин ҳам ёнма-ён, биргаликда яшашимиз зарурлигини аллақачон англаб етдилар. Ана шундай шароитда ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда муҳимдир.

Марказий Осиёдаги уч давлатнинг иқтисодий иттифоқи худди шундай яқинлашув тимсоли бўла олади. Биз буни ҳозирданоқ яққол ҳис эта бошладик, ўзаро тушуниш сезилмоқда. Мана шу ерда бошқа республикалар билан бўладиган ҳамкорлик механизми созланиб олиниши мумкин.

Халқимизда: "Кўрпангга қараб оёқ узат", деган ажойиб мақол бор. Биз худди шу нақлга амал қилмоғимиз лозим бўлади, деб ўйлайман. Кўрпамиз умумий экан, ҳар ким унинг ўзининг устига тортавермаслиги керак, балки қўни-қўшничиликни ўрнига қўйиш, топганини, борини оғаларча баҳам кўриш зарур. Ана ўшанда режаларимиз ҳам, орзу-ўйларимиз ҳам амалга ошаверади.

Ички вазифаларимиз ҳақида гап кетар экан, биз хусусий мулкни кенгайтириш йўли тўғрисида сўзлашга ҳақлимиз. Бу устивор йўналишдир. У мулкни хусусийлаштиришнинг давлат дастурида ҳам ёзиб қўйилган. Мақсадимиз — 1994 йил охирига бориб халқ хўжалигида хусусий ва давлат мулки нисбатини тахминан 50 га 50 фоиз қилишдир. Бир йилдан кейин эса хусусий мулк 60 фоизга етиши зарур. Зеро, ривожланган мамлакатларда давлат мулки 30—40 фоиз атрофида сақланиб турибди. Бундай нисбат бозор иқтисодиёти шароитида мақбул саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бу жараёнга жуда катта эътибор билан қарамоқда. У республика Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлади: "Бугунги кундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тассаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш деб биламан".

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шу кунларда Давлат мулк қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг мақоми ва масъулияти оширилгани жиддий аҳамиятга эга бўлди. Маҳаллий маъмурлар бозор тузилмаларини шакллантиришда ҳар томонлама ёрдамлашишга даъват этилгандирлар.

— Хусусийлаштиришдан кейин дўконлар, ошхоналар, ресторанларнинг аҳволидан Сиз қониқиш ҳосил қилаяпсизми?

— Мулкчилик шаклининг ўзгариши ва шаҳодатнома ёзиб берилиши ишнинг расмий томонидир, холос. Ўзгаришнинг натижаси қандай бўлаяпти? Очиқ-ойдин айтиш керакки, ҳозирча биз бундан қониқиш ҳосил қилаётганимиз йўқ. Чунки кутилган силжишлар рўй бермаяпти.

Бугунги кунда ҳақиқий соҳиб пайдо бўлган жойлардагина иш яхшиланиб бораётгани ҳақида гапириш мумкин, холос. Бунга мисоллар эса, афсуски, жуда оз.

Ҳеч кутилмаган муаммо чиқиб қолди: баъзан мулкдор боқиманда ҳолатида кун кўраяпти. Унинг ўзи елиб-югуриш, товар топиш ўрнига худди эски даврдагига ўхшаб юқори ташкилотлардан, давлатдан ёрдам кутиб ўтираверади.

Бошқача айтганда, янги "савдогар" социализм давридагидек ишламоқчи бўлади (яъни олма пиш, оғзимга туш, деб ўтираверади), даромадни эса капитализмда бўлганидек олгиси келади (ҳатто валюта ҳақида орзу қилади). Бу тарзда қандай қилиб соҳиб бўлиши мумкин?!

Бундай аҳвол давом этишига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз фаолият юритишнинг шундай шаклларини изламоқдамиз: мулк эгаси омилкор бўлсин, елиб-югуриб товар топиб келишга ўргансин.

Битта мисол айтиб ўтай: Тошкент ҳокими билан биргаликда пойтахтнинг икки туманида — Шайхонтоҳур ва Яккасаройда "Мулкдорнинг қайта пайдо бўлиши" дастурини ишлаб чиқдик. Ана шу туманларда иш бирмунча дуруст йўлга қўйиб юборилди. Агар натижаси яхши бўлса, кенгроқ оммалаштириш ниятидамиз.

Бу тажрибанинг моҳияти қуйидагича: эркинлик ва мустақилликка эришган мулкдорларга бемалол ҳаракат қилишлари учун ҳамма имкониятлар бериб қўйилади, савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг раҳбар тузилмалари назоратидан чиқарилади. Фақат қонунгина мулкдор устидан ҳукмронлик қилиши мумкин, холос. Қонун доирасида билганингни қилавер. Бироқ биз савдогарларни ўз майда улгуржи бўғинларини ташкил этишга йўналтирмоқдамиз. Бу — давлат базаси эмас, уни мулкдорлар пайчилик асосида ҳосил қиладилар, хизмат кўрсатишнинг муайян турини белгилаб қўядилар.

Ўз навбатида базанинг ғайратли соҳиби бошқа шартномалар тузиши, янги мижозларни топиши мумкин. Бундай майда улгуржи базалар ишлай бошлади. Савдо ходимларига хизмат қиладиган махсус "Савдогар" банки ташкил этилди. У унча катта бўлмаган муддат — бир йилгача амалга ошириладиган лойиҳаларни мақбул кредитлар билан таъминлайди.

Тажриба аниқ маъмурий-хўжалик бирлигига "боғлаб" қўйилгани ҳам муҳим аҳамиятга молик, деб ўйлайман. Агар барча туманлар ўз-ўзини идора қилиш ва ўз-ўзини таъминлашни эплаб кетсалар, шаҳар ва вилоятлар ҳам жуда тез оёққа туриб оладилар-да.

Ўтказилаётган тажрибанинг дастлабки натижаларини декабрь ойида кўриб чиқамиз. Ўшанда унинг кейинги тақдири ҳал этилади.

— Биз соҳиб ҳақида кўп гапираяпмиз. Шундайлар ҳозир бормм? Агар бўлса, мисол келтира оласизми?

— Ҳақиқий мулкдор бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Шунга қарамай, мулкдорлар орасида соҳиб таърифини қўлланиш мумкин бўлган кишилар ҳам йўқ эмас. Орият, қадр-қиммат, ташаббус, инсон ва ер ҳақида ғамхўрлик, **ватанпарварлик** соҳиб учун хос бўлган фазилатлардир. Ҳа, айнан ватанпарварлик сўзига алоҳида урғу бериш лозим, чунки у халқ ва мамлакат равнақи йўлида фидойилик кўрсатади.

Фарғона водийсида, аниқроғи, Олтиариқ туманида ҳақиқий соҳибларнинг тадбиркорлиги ва собитқадамлиги туфайли илгари республикамизда бўлмаган жунни қайта ишлашнинг бутун бир тармоғи вужудга келтирилди. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига ҳар йили бирламчи хомашё сифатида 20 минг тонна жун чиқиб кетарди. Эндиликда тайёрланган жун махсус равишда харид қилиниб, ускуналар ювилади. Қайта ишлангандан кейин эса калава, мато, ниҳоят, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Ҳар бир вилоятда тадбиркорлар мева, сабзавотни қайта ишлаш, қолбаса, пишлоқ тайёрлаш учун ускуналар олиб келишаётгани ва бошқалар ҳақида кўплаб мисолларни тилга олиш мумкин. Шахсий ташаббус асосида кийим-кечак тикадиган, гилам тўқийдиган цехлар очилди... Тадбиркорлар харидорларга тайёр товарларни тобора кўпроқ таклиф этмоқдалар. Эҳтимол, уларнинг моллари сифати ҳали унчалик яхши эмасдир, бироқ бундай соҳибларнинг энг яхшилари, ҳеч шубҳасиз, аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришга, республиканинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашадилар.

БАНКЧИ ҲАМИША НОҲАҚ, МИЖОЗ ҲУҚУҚСИЗ ДЕБ БЎЛМАЙДИ

— Виктор Анатольевич, ҳозиргача Сиз Давлат мулк қўмитаси нима учун ва қандай қилиб бошловчи соҳибларга "энага" бўлаётгани ҳамда уларни пишитаётгани ҳақида гап юритдингиз. Бироқ "чақалоқ" эндигина тетапоя қилаётган, яъни мустақил равишда қадам қўяётган бир пайтда қоқилиб қолмоқда: тўловлар, кредитлар, банк фоизлари ва ҳоказолар унинг қаддини ростлаб олишига имкон бермаяпти. Бошловчи бизнесменлар "Менга қандай яшашни ўргатгандан кўра моддий ёрдам беринг", деб нолишади.

— Тушунарли. Дарҳақиқат, молия энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бироқ бизда бу соҳада ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ибратли мисоли бор. Принципиал жиҳатдан муҳим саналган муваффақиятимиз ҳақидаги гапдан бошлай қолай. Ўзингиз яхши биласиз: МДҲ мамлакатларида энг ишкал муаммолардан бири тўловларнинг ўтмаётганлиги, деб ҳисоблашмоқда.

Мана энди бу муаммо Ўзбекистонда ҳал этилди. Марказий банк билан биргаликда жиддий иш олиб боришга тўғри келди. Дастлабки пайтларда рўй берган баъзи қийинчиликларга қарамай, айтиш мумкинки, биз биргаликда банк ва у хизмат қиладиган мижозлар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш зарур, деб топдик.

Марказий банк бизнинг таклифимизни қабул қилди, уни мукаммал даражага етказди ҳамда банк ва мижоз ўртасидаги намунавий шартномани тайёрлади. Мазкур шартнома эндиликда амал қилмоқда. Икир-чикир томонларига тўхтаб ўтирмасдан, энг асосийсини таъкидлаб ўтмоқчиман: ана шу ҳужжатда биринчи маротаба тўловларнинг ўтиш муддати аниқ кўрсатиб қўйилган: шаҳарда 3 кун, вилоятда 4, республика бўйича эса 9 кун.

Кечиктириб юборилган ҳар бир кун учун жавобгарлик банк зиммасига тушади. Бу ҳолат тадбиркорлар учун жуда муҳим саналади. Ахир, илгари банк ўз мижози олдида ҳамиша ҳақ бўлиб, пул ўтказиш кечикиб кетганига истаганча баҳонаю сабабларни рўкач қидаверарди-да.

— Чиндан ҳам бу қулайлик ўз ишига эга бўлган, бироз оёққа туриб олган тадбиркорлар учун жиддий ёрдам дейиш мумкин. Бироқ моддий мададга безнесда ўзини энди синаб кўраётган, дастлабки маблағини жамлашга ўринаётган зоҳирий мулкдорлар кўпроқ муҳтожлик сезмоқдалар.

— Дарвоқе, шундай. Шахсан мен товарлар ташиб келаётган, "бўзчининг мокиси" деб ном берилган кишиларнинг фаолиятини фойдали ҳисоблайман. Ана шуларда кўпинча мол айлантиришда валюта танқислиги сезилиб қолади. Биз бир неча йирик ташкилотлар билан турли вариантларни ишлаб чиқдик. Шулардан бири "Берлинербанк" бўлиб, унинг бўлими яқинда Тошкентда очилди. Биз бугунги кунда "мокилар"ни қисқа муддатли валюта кредитлари билан таъминлаб туриш кўзда тутилган қайдномага эга бўлдик.

Миллий банкимиз зиммасида катта вазифалар тургани учун ҳам "дўконма-дўкон юрадиган", 5-10 минг долларга эҳтиёж сезадиган ҳар бир киши билан алоҳида-алоҳида шуғулланиш имконига эга эмас. Немис банкининг бўлими эса ана шундай "сайёҳ савдогарлар" билан қизиқиб қолди. Ҳозирги пайтда унинг ходимлари вазиятни синчиклаб ўрганишмоқда, биз бунда ютқазиш бўлмаслигига ишонамиз. Қисқа муддатли қарз олиш учун давлат кафолатларига ҳужжат йўқ, уй ёки бошқа мулк гаровга қўйилса, шунинг ўзи кифоя.

Вақти келиб Ўзбекистонда "моки"ларга ёрдам кўрсатадиган бутун бир хизмат пайдо бўлиши мумкин. Эндиликда уларни "тожирлар" деб аташ тўғрироқ бўлур эди. Янги хизмат кўп нарсаларни: кредит беришдан тортиб ҳужжатларни расмийлаштириш, чипталар олиб бериш, қўшимча йўналишлар ташкил этиш, олиб келинган товарларни ўзига қарашли дўконларда сотилишини йўлга қўйишгача — барча ишларни бажариши мумкин.

Энг муҳими — ишни бошлаб олишда. Айтганча, Ўзбекистон фуқароларига алмашув пунктларида 1000 (яқинда бор-йўғи 250 эди) доллардан олиш имкони яратилгани айни муддао бўлди. Бу ҳам давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

— Буларнинг барчаси товар олиб келишни рағбатлантиришга қаратилган. Бироқ республикамизда мулкдор-ишлаб чиқарувчиларнинг катта гуруҳи ҳам борки, маҳсулотни ташқарига чиқариш улар учун жиддий муаммо бўлиб турибди.

— Бу масалани қисман ҳал этишда уларга биз ташкил этган товар хомашё биржаси ёрдам беради. Биржа ҳақиқий бозор дастаги бўлиб қолиши учун қўлдан келганча кўмаклашмоқдамиз. У ерда маданий тарзда товарларни сотиб олиш ёки сотиш, қоғозбозликсиз, баённома, солиқ, божхона тўловларисиз республика ҳудудидан ташқарига мол чиқариш мумкин.

Биржада тузилган шартнома ўз-ўзидан лицензия кучига эга бўлади. Бундай механизм илгари республикада йўқ эди. Эндиликда биз уни қонунчиликка мувофиқ ҳолда йўлга қўймоқдамиз. Бу савдо ва тадбиркорликни авж олдиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Ҳа, товар биржаси ташкил этилгани маъқул бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, МДҲ мамлакатларида ва Ўзбекистонда бирданига пайдо бўлган биржалар тўлқини кейинроқ бориб анча пасайиб қолди. Баъзилари ўз фаолиятини умуман тўхтатиб қўйди. Чамаси, давлат томонидан ёрдам кўрсатилмаса, биржаларнинг ўзларини эплаб кетишлари қийин кўринади.

— Ҳеч шубҳасиз, шундай. Капиталистик мамлакатлар асрлардан буён бозор йўлидан келмоқдалар, шунга қарамай, ҳамма нарса силлиқ кечмайди. Биз эса бу йўлга мана эндиэнди кириб бормоқдамиз, мўъжиза содир бўлишини кутиш гўлликдир.

Ўзингиз хулоса чиқара қолинг: айтайлик, агар одам сузишни билмаса, жўшқин даре тагига чўкиб кетади. Шундай экан, аввал назарияни ўрганиш зарур, кейин ўз кучини амалиётда синаб кўриш маъқул. Иложи бўлса, юзароқ жойни танлаш лозим. Ана шундан кейингина сувга тушиши мумкин. Агар одам ҳеч қачон биржада ишламаган бўлса-чи? Гапнинг очиғи, илгари биз бу сўзнинг маъносини ҳам дурустроқ тушунмасдик.

Нима қилиш керак? Шўх оқим қаърига кўмилиб кетмаслик учун, давлатнинг ишончли қўли мададини ҳис этиш лозим. Бу масалада зиддиятли фикрга ўрин йўқ. Бозор муносабатларида қонунлар янада самаралироқ ишлаши керак. Конституция фақат ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлабгина қолмасдан, балки бурч ва масъулиятни ҳам белгилаб қўйган. Умуман, демократия деганда, қонун инсонга, инсон эса қонунга нисбатан ҳурмат билан қараши тушунилиши керак.

Бизнинг республикамизда бош ислоҳотчи — давлат ҳисобланади. У барқарорлик ва аҳил-иноқликка кафил туради. Устивор йўналишларни давлат белгилайди, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади, эскича қарашлар, консерваторлар тўсиқларини бартараф этади.

Ўзбекистоннинг тўртта асосий биржаси давлат мададидан баҳраманд бўлмоқда. Товар-хомашё биржасидан ташқари, Молия вазирлиги қошидаги валюта биржаси ҳам мунтазам ва жуда аниқ-пухта ишлаб турибди. Кўчмас мулк биржаси Давлат мулк қўмитасига бўйсундирилган. У хусусийлаштириш ҳамда кўчмас мулкнинг очиқ бозорини ташкил этишни жадаллаштиришга кўмаклашмоқда.

Шунингдек, республика фонд биржаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Миллий депозитарий шу биржа билан биргаликда шакланмоқда. Қийматли қоғозлар бозори узилишларсиз, кутилмаган ҳодисаларсиз ишлай бошлаши учун акцияларни бирйўла чиқариш ҳамда компьютерда рўйхатга олиш йўлга қўйилмоқда.

ТЎСИҚЛАР КАМАЙИБ БОРАВЕРАДИ

— Виктор Анатольевич, баъзилар назорат ҳаддан ташқари қаттиқлигидан нолишмоқда...

— Улар хоҳлаган ишларини қилаверсинларми? Йўқ, бизда парокандаликка ҳеч қачон йўл қўйилмайди, акс ҳолда мамлакатни талон-торож қилиб юборамиз-ку. Ҳаммаси қонунга мувофиқ бўлиши керак. Ана ўшанда ҳалол тадбиркор олдида кенг имкониятлар очилади. Бинобарин, ҳукумат савдодаги чеклашларни қадамба-қадам бартараф этиб бормоқда, бозорга киришнинг адолатли йўлини таъминлашга ҳаракат қилмоқда, рақобатни рағбатлантираяпти.

Эслатиб ўтмоқчиман: 1994 йилда озиқ-овқат ва истеъмол товарлари нархларини бевосита назоратга олиш бекор қилинди. Нарх-навонинг бюджетдан ташқари фонди йўқотилди. Давлат буюртмаларининг кўпчилиги бекор қилинди, ижтимоий эҳтиёжлар учун эса давлат харидлари танлов асосида ёки шартнома нархлар билан амалга оширилмоқда.

Валюта тушумларига солиқ бекор қилинди. Валюта тушумларидан 30 фоизли мажбурий равишда сотиш валюта кимошди савдосидаги курс бўйича жорий этилди. Мажбурликдан қабул қилинган бу тадбир вақти келиб, чет эл валютаси масаласида аҳвол яхшиланиши баробарида қайта кўриб чиқилади, яъни мажбурий сотиш меъёри камайтирилади, кейин эса умуман йўқотилади.

Хориж сармоядорлари учун ўзбек корхоналари билан бир хилда солиқ солишнинг миллий тартиби амал қилмоқда. Ҳукумат товарлар ва хизматларнинг импорт қилинганлиги учун солиқ ва божхона тўловларидан бир йил муддатга озод этди.

Экспортга келганда шуни айтиш керакки, лицензия олинади зарур бўлган товарлар сони йил бошида 80 тадан 26 тага туширилди, квоталанадиган товарлар сони 12 тага келтирилди. 1994 йил охирига бориб, барча квоталарни бекор қилиш, савдони лицензиялашни эса экспорт демпингининг олдини олиш, санитария нормаларига риоя қилиш, андазалар ва миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадларидагина амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Давлат монополияга қарши сиёсатни кучайтириш, мулкни хусусийлаштиришни фаол даражада қўллаб-қувватлаш ниятидадир.

— "Ўзбексавдо" уюшмаси, "Тошкентсавдо" концерни сингари илгариги Савдо вазирлиги ва унинг вилоят, шаҳар бўлинмаларини эслатувчи тузилмалар қай даражада ўрин тутишади?

— Пайдо бўлган йирик акциядорлик жамиятлари, очиғини айтиш керак, кўп жиҳатдан аввалги савдо ташкилотлари ишини такрорлай бошладилар, кўп ҳолларда эскича муносабатларни сақлаб қолдилар.

Дастлабки пайтларда бошловчи тадбиркорлар бундай тузилмаларсиз бирон-бир иш қилишлари мушкул кечади. Уларга: "Ўз хоҳлаганингизча яшайверинг", дейиш ҳам мумкин. Аммо бундан фойда чиқмайди. Ўзбекистон сиёсатининг муҳим тамойилларидан бири шундай: янгисини қурмай туриб, эски уйни бузманг, акс ҳолда бошпанасиз қоласиз.

Шунинг учун ҳам "Ўзбексавдо"нинг унинг Низоми ва шартномалари асосида белгилаб қўйилган асосий вазифаси республикани халқ истеъмоли товарлари, биринчи навбатда озиқ-овқат билан таъминлашни назорат қилиб боришдан иборат. У истеъмол балансига риоя қилинишини назорат остига олиши лозим.

Ислоҳотлар даврида халқни қийин ҳаёт кечиришига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг давлат тизими мавжуд, бундай сиёсат эса "Ўзбексавдо" ва унинг дўконлари тармоғи орқали амалга оширилади.

Биз иш услубини эмас, пешлавҳани ўзгартирган кўпгина ташкилотлар, яна ўша-ўша мансабпараст шахслар ўтиришганини ҳис этмоқдамиз. Улар эскичасига раҳбарлик қилиш, тазйиқ кўрсатишга уринмоқдалар. Бундай далиллар оз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бу ҳақда очиқ-равшан айтди.

Салбий ҳолатларни таг-туги билан қўпориб ташлашимиз лозим. Бу — ҳар куни сабр-тоқат, машаққат билан амалга ошириладиган иш. Бусиз ўзгаришлар ясаш мушкул. Мен Тошкентнинг икки туманида ўтказилаётган тажриба ҳақида юқорида гапириб ўтдим. Ўша жойларда 200 дан зиёд савдо корхонаси мавжуд, ҳар бирини алоҳида-алоҳида назардан ўтказдик. Дўкон мудирлари билан суҳбатлашдик, қўллаб-қувватлаш ҳақида таклифлар айтдик, уларнинг режа ва имкониятлари билан қизиқдик. Мулкдорлар эркин бўлганларидан кейин қиладиган ишлари: олиб келадиган қўшимча товарлари, кўрсатадиган хизматлари рўйхатини бизга тақдим этишди.

Кўряпсизми, ҳаммаси бир-бири билан ўзаро боғланиб кетган. Битта халқани кўтарсанг, бутун занжир сурилиб чиқаверади.

"Ўзбексавдо" ҳақида шуни айтиш мумкинки, Давлат мулк қўмитаси бу уюшма билан яқин алоқада бўлиб ишлаб келмоқда. Ўйлайманки, савдо департаменти бундан кейин яшаб қолишга ҳақли — фақат товарларни тақсимлаш вазифасини бажармаслиги керак. (Ривожланган мамлакатларда Савдо вазирлиги мавжуд-ку, ахир). "Ўзбексавдо" ушбу тармоқнинг савдо сиёсати ва бош йўналишини ишлаб чиқадиган, қулай иш вазияти яратиб берадиган, халқаро алоқаларни йўлга қўйишга кўмаклашадиган, хорижий шерикларни излаб топадиган, бизнинг мулкдорларимизни ўқитадиган ва уларга маслаҳат берадиган штабга айланмоғи лозим. Ҳа, унинг қиладиган ишлари тўлиб-тошиб ётибди.

— Савдо нуқталарини сотишга доир шартномаларда Давлат мулк қўмитаси уч йил муддатгача товарлар тури ҳамда дўконнинг иш хусуниятини сақлаб қолиш шартини қўяди. Дўконнинг янги эгаларида бу нарса эътироз туғдирмайдими?

— Бундай чора истеъмолчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилганини бизда ҳамма тушунади. Бироқ, афсуски, жаҳон банки миссияси билан жиддий баҳс-мунозаралар олиб боришга тўғри келди. Ахир, тадбиркор бу шартларни ихтиёрий равишда қабул қилади-ку. Баъзи мажбурий ассортиментдан ташқари ҳеч қандай чеклаш йўқ — қонунда ман этилмаган ҳам ишни қилавер (қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддалари сотиш билан шуғулланиш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан равшан).

Бизнинг шароитимизда аҳолини ҳимоя қилишдек табиий жараён, қанчалик ғалати туюлмасин, баъзи иқтисодий муассасалар томонидан тушуниб етилмаяпти, улар шундай бўлиши бозор иқтисодиёти муносабатларини чеклаб қўяди, деб ҳисоблайдилар. Боиси — биздаги вазиятдан бехабардирлар, тушунтирилганда эса дарҳол илғаб ололмайдилар.

Олис қишлоқ у ёқда турсин, ҳатто шаҳарда яшовчи ҳар қандай кишидан: "Туз, гугурт, арзон товарлар ўрнига янги савдогарлар фақат "Сниқерс" ёки "Распутин"лар олиб келаверса, яхши бўладими?" деб сўраб кўринг-чи. Бу ҳолатни биз ҳисобга олишга мажбурмиз. Гап бу ерда одамлар ҳақида, уларга ғамхўрлик ҳақида бораяпти. Демак, бизни консерватизмда айблаш ўринли эмас.

Чет эл иқтисодчилари кўзи билан қараганда, албатта, бизда қарама-қаршиликлар мавжуддек кўринади. Чунки кўп нарса уларнинг назариясига мос тушмайди-да. Аммо аҳволимиз ўзимизга аниқроқ-ку. Бозорга қийинчиликларни енгиб борилишини яхши биламиз. Югуриб, сакраб-сакраб ўтиб бўлмайди. Чет эллик шерикларни шунга ишонтирмоқдамиз, Ўзбекистон халқи маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан бораётганимизни тушунтирмоқдамиз.

— Барқарор ва саросималарсиз қайта қуришлар, ҳеч шубҳасиз, узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсатдир. У давлатга нисбатан ҳурмат ва ишонч уйғотади, бу эса кенг кўламли истиқболни очиб беради...

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир одам ва, умуман, халқнинг ўз давлатига, унинг мустаҳкамлигига, қаттиқ ҳокимиятга, агар керак бўлса, ёрдам берадиган, ҳимоя қила оладиган ҳокимиятга ишончи комил бўлиши лозим.

Одамлар айнан давлат тимсолида ўзларига таянч, суянчиқ кўраётган эканлар, бу — меъёрий бир ҳол. Биз, ҳаммамиз ўз мамлакатимиз кучли ва гуллаб-яшнаган бўлишини, унинг сўзи бутун дунёда олтиндан қиммат баҳоланишини истаймиз. Бу эса, энг аввало ҳар бир фуқарога, ҳар бир ҳалол ва омилкор соҳибга боғлиқ, десам, асло муболаға қилмасам керак.

"Торговая газета"нинг ўз мухбири Андрей ОРЛОВ,
"Халқ сўзи" учун махсус тайёрланган.

УМУМИЙМАНФААТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулк қўмитаси раиси Виктор Анатольевич ЧЖЕН билан мулоқот

Мулкни хусусийлаштириш бугунги кунда асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, республикамиз равнақининг янги истиқболлари очилаяпти. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳозирдаёқ ўзининг илк натижаларини бера бошлади. Одамлар мулкка, айтайлик, турар жойга эга бўлгач, ўзларининг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини бошқача ҳис этмоқдалар.

Жамиятимизда илгари бўлмаган қатлам, яъни соҳиблар шаклланиб келмоқда. Рўй бераётган ўзгаришлар қаторида атрофимизда турли муаммолар ҳам пайдо бўлаяпти. Суҳбат мана шу масалалар ҳақида.

• *Акс-садо*

МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Ҳозир деҳқонлар учун ҳосил йиғиш фасли бўлса, матбуотчилар учун "обуначи тўплаш" палласи. Барча газета ва журналлар ўз мухлисларига мурожаат қилиб, келаси йил учун муштарий бўлишга даъват этишлари табиий ҳол. Шу масалада вилоятлардан бирига қўнғироқ қилганимда ғалати жавоб эшитдим.

– Биз "Шарқ юлдузи"ни яхши кўрамиз. Кўп йиллардан бери мунтазам ўқиб келамиз. Аммо кейинги пайтда журналингиз ҳам озиб, ҳам ингичкалашиб кетаётгани чатоқ бўляпти.

Инсоф билан айтганда бу гапда жон бор. Ҳозир барча нашрларга ҳам осон эмас. "Шарқ юлдузи"нинг "ингичкалашиши"га келсак, бунга сабаб – қоғоз муаммоси. Гарчанд журнал ҳажми қисқармаган бўлса-да, унинг бичими – формати ўзгарди. Сабаб – "етмиш форматли" қоғоз йўқ. Аммо бу масалани ҳар битта журналхонга алоҳида тушунтириш қийин.

Яқинда "Халқ сўзи" газетасида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломовнинг "Ўзбек қоғози – мустақиллик белгиси" сарлавҳали мақоласини ўқиганимда обуначимизнинг ўша гапи тағин ёдимга тушди.

Мақола ниҳоятда жонкуярлик билан ёзилган. Чиндан ҳам бугунги кунда қоғоз муаммоси давлат аҳамиятига молик масалага айланди. Мақолада тўғри таъкидланганидек қоғоз – маънавиятнинг энг етакчи масалаларидан биридир. Биласиз, маънавият китобсиз бўлмайди. Китоб эса қоғозсиз чиқмайди. Газета ва журналлар ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Тўғри, чет элларда ҳам қоғоз арзон эмас. Бироқ шунга яраша чет эл газета ва журналларининг нархи биздагидан бир неча марта қиммат. Масалан, "Шарқ юлдузи" типидаги журнал чет мамлакатларда ўртача 4 доллар туради. Бу – бизнинг ҳисобда 100 сўм деган сўз.

Демак, энг муҳими – мақолада айтилгандек, миллий қоғоз саноатимизни яратишимиз керак. Бунинг учун хомашё етарли. Янги техника ва технология сотиб олиш, қоғоз заводлари қуришга кўп маблағ кетиши табиий. Лекин уни нуқул четдан келтириш бундан ҳам қимматга тушаяпти-да!

Қисқаси, мақолада жуда жиддий масала кўтарилган.

Ўткир ҲОШИМОВ,
журналнинг бош муҳаррири.

• *Обуна — 95*

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Ўзбек йили қутлуғ 75 ёшини нишонлаган, "Мухбир" – "Корреспондент" журналининг вориси бўлмиш янги мақомдаги "Ўзбекистон матбуоти" журналининг ўқувчилари тобора кўпайиб бормоқда. Журналистлар, ноширлар, телевидение ва радио ходимлари, матбаачилар, ишчи-деҳқон мухбирлар, журналистика булимининг талабалари, деворий газеталарнинг таҳрир ҳайъати аъзолари, китоб савдоси ва алоқа тармоқларининг хизматчилари шулар жумласидандир.

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг таҳрир ҳайъати дастлабки сонларданоқ муштарийларнинг дилидаги гапларни журнал саҳифаларига олиб чиқишга бел боғлади. Журналнинг шакл-шамойилида унинг мазмун-мундарижасида ҳам кескин бурилиш ясалди. "Барҳаёт симолар", "Замонавий ёдномалар", "Очиқ ва аччиқ гаплар" каби янги рукнлар дарҳол ўқувчилар назарига тушди, уларнинг эътиборини қозонди. Бу журналнинг мавқеини кўтариш йўлидаги қадамлар холос. Таҳрир ҳайъати журнални янада ўқимишли чиқариш, унинг мундарижасини бойитиш борасидаги изланишларини келаси йили ҳам давом эттиради. Журнал саҳифаларида журналистлар, ноширлар ва матбаачилар, телевидение ва радио ходимларининг бозор иқтисодиёти шароитида дуч келаётган муаммоларини ечиш йўлидаги изланишлари кенг ёритилади. Миллий ахборот воситаларимизнинг равнақи, журналист қаламкашларни, матбаачи ва ишчи-деҳқон мухбирларни тайёрлаш мавзуларига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, ўқувчиларимизга манзур бўлиб қолган "Журналист хориж сафаридан қайтди", "Бир сурат тарихи", "Замонавий ёдномалар", "Барҳаёт симолар", "Фахрийлар – фахримиз", "Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз", "Сўз – ишчи-деҳқон мухбирларга", "Очиқ ва аччиқ гаплар", "Изланиш клуби" рукнлари остидаги мақолалар мунтазам ёритиб борилади. "Қарс икки қўлдан" деган гап бор. Аминмизки, бу борада бизга ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдам берадилар.

Муштарийларимизга эслатиб ўтамиз, муассисларимиз – Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг саъй-ҳаракатлари билан журналнинг обуна баҳоси бошқа даврий нашрларникидан анча арзон қилиб белгиланган. Унинг бир йиллик обуна баҳоси – 25 сўм 80 тийин. Индекси – 75323. Биринчи декабргача обуна бўлишга шошилинг, вақт ўтиб кетмасин!

А. АБДУЛЛАЕВ,
"Ўзбекистон матбуоти" журнали бош муҳаррирининг ўринбосари.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий ва миллий

«МУЛОҚОТ»

журналига обуна бўлишни унутмадингизми?

У ҳар ойда бир марта чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга 64 сўм 80 тийин. Олти ойга 32 сўм 40 тийин.

«МУЛОҚОТ» журнали кўнглингизга нур, фикрингизга зиё, хонадонингизга файз бахш этишига ишонамиз.

• *Муштарий билан юзма-юз*

Кейинги пайтларда "Халқ сўзи" газетаси ижодий жамоасининг жойлардаги муштарийлар билан юзма-юз мулоқотлари анъана тусига кириб қолди. Нафақат Тошкент шаҳрида, балки турли вилоятларда ҳам ана шундай учрашувлар ташкил этилмоқда.

РАМЗИЙ КЎПРИК

ЁКИ ҚИБРАЙ ТУМАНИДАГИ МУЛОҚОТ

Уларда ўқувчиларимиз газета ҳақидаги ўзларининг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истакларини баён этишмоқда. Биз эса бу фикрларни эътиборга олиб, газетани янада ранг-баранг, ўқимишли тарзда чоп этишга интилаётирмиз.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, одамлар "Халқ сўзи"ни ҳамма жойда бирдек севиб мутолаа қилишмоқда. Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган республикамизда қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва мамлакатимиз кундалик ҳаётида юз бераётган муҳим воқеалар, аввало бизнинг газетамизда ўз аксини топади. Қолаверса, газета саҳифаларида халқимизнинг бугунги ҳаёти акс эттирилган жуда кўплаб мақолалар ҳам ёритиб борилмоқда.

Яқинда "Халқ сўзи" қаламкашларининг муштарийлар билан навбатдаги учрашуви Қибрай туманида бўлиб ўтди. Бу шунчаки, тасодифий ҳол эмас, албатта. Мазкур туманда газетамиз ихлосмандлари кўпчиликни ташкил этишади. Учрашув чоғида сўзга чиққанлар бундай юзма-юз мулоқотни анчадан буён кутиб юрганликларини, тадбир эса айни муддао бўлганини айтишди. Ниҳоятда қизиқарли ва жонли руҳда ўтган суҳбат ва саволжавоблар бу гапнинг далили бўлди, дейиш мумкин. Бизни қувонтиргани яна шу бўлдики, бугунги қийин иқтисодий шароитда нашрларнинг обуна баҳоси анча қимматлашиб кетганлигига қарамай, кўпчилик ҳеч қандай ташвиқотларсиз, мажбурлашларсиз ўз хоҳишлари билан "Халқ сўзи"га ёзилишмоқда. Бу эса кишини қувонтиради, албатта.

Аввало, муштарийларимизга Қибрай тумани ҳақида мухтасаргина маълумот бериб ўтсак. Мазкур туман Тошкент вилоятининг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланади. 150 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туман пойтахтимизнинг шундоққина ёнида жойлашгани учунми, бу ерда саноат, транспорт, илм-фан анча ривожланган. Фикримизнинг далили сифатида Тошкент ГРЭСи, бир неча ГЭСлар, Қибрай яхна ичимликлар комбинати, Янги Тошкент консерва комбинати, ўнлаб саноат корхоналари, Тошкент вилояти йўловчилар ташиш автокорхонаси, "Ўртаосиётранс" корхоналари айнан шу ерда жойлашганини айтишнинг ўзи кифоя. Шунингдек, Қибрайда кўпгина илмий-текшириш институтлари ҳам жойлашганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, "Пахта" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамизда етакчи ҳисобланган бу соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институти эса яқинда ўзининг етмиш йиллигини нишонлади. Бу ерда дунёдаги энг ноёб ўсимликлар коллекцияси мавжуд. Туманда шунингдек, республика ўсимликларни ҳимоя қилиш институти, ғўза селекцияси ва пахта уруғчилиги институти, "Ўзгеофизика" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент аграр дорилфунуни, иккита ўрта махсус ўқув юрти ва бир нечта лицейлар жойлашгандир.

Қибрай айниқса, ўзининг баҳаво оромгоҳлари билан машҳур. "Ботаника", "Бўстон", "Навбаҳор", "8 март", "Қибрай" ва бошқа дам олиш масканларининг доврўғи мамлакатимиздан ташқарига ҳам кетган. Ҳар йили бу жойларда республикамизнинг турли чеккаларидан келган минглаб кишилар мириқиб ҳордиқ олиб қайтишади. Айни дамларда яна бир қанча янги оромгоҳлар қурилмоқда. Туман аҳли ёзувчиларнинг ва кинематографчиларнинг ижод уйлари Қибрайда жойлашгани билан фахрланишади.

Кейинги пайтларда туманда катта ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, уй-жойлар қуриб, қишлоқларни газлаштириш, маҳаллаларга ичимлик суви келтириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Туманнинг иқтисодий жиҳатдан "бели бақувват" эканлигини шундан ҳам билса бўладики, ҳозир бу ерда 74 та фермер хўжалиги, 95 кичик корхона, 23 ширкат, 3 қўшма корхона мавжуд.

Хуллас, Қибрай туманининг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти ҳақида яна кўплаб рақамлардан мисол келтириб, ҳикоя қилиш мумкин. Лекин энг муҳими, бу ерда эллликка яқин миллат вакиллари оғаинилардек тинч-тотув, бир мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Осойишталик эса муваффақиятлар гаровидир. Қибрай туманини том маънода Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятини бир-бири билан боғлаб турувчи рамзий кўприкка қиёслаш мумкин. Чунки туман ҳар жиҳатдан шаҳар билан ҳам, вилоят билан ҳам чамбарчас боғланиб кетгандир. Пойтахтимизни ҳам, Тошкент вилоятини ҳам Қибрайдан айрича тасаввур этиб бўлмайди.

Гарчи, қибрайлик муштарийлар билан бўлган учрашувимиз "ғалвир сувдан қўтарилаётган" – далаларда кузги ҳосил йиғим-теримн қизғин кечаётган паллага тўғри келган бўлса-да, бироқ, учрашув белгиланган жойга кўпчилик йиғилган экан. Шом вақти бўлганлиги боис, одамлар ишдан қайтишиб, ширингина хордиқдан ҳам воз кечишиб, севимли газеталари ижодий ходимлари билан мулоқотга ошиқишибди. Учрашувни Тошкент вилояти ҳокими муовини **Ҳаким ҲАМИДОВ** очди.

– "Халқ сўзи" қисқа вақт ичида халқимизнинг юрагидан жой олиб улгурди, – дея ўз сўзини бошлади у киши. – Газета бугунги кунда ҳукуматимизнинг юритаётган ички ва ташқи сиёсатини одамларга етказиб бермоқда. Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий-ижтимоий юксалишлар жараёни, тобора қаддини ростлаётган миллий қадриятларимиз, оддий халқ турмуши, унинг саҳифаларида мунтазам равишда ўз аксини топиб келмоқда. Айниқса, шаклланиб келаётган миллий истиқлол мафкурамизни халқ орасида тарғиб қилиш борасида газета жонкуярлик қилаётганлиги бизни қувонтиради. Ана шу жиҳатлари билан ҳам "Халқ сўзи" биз учун қадрлидир. Ўйлайманки, газета қаламкашлари билан қибрайлик муштарийларнинг бугунги учрашуви ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шундан сўнг, учрашув ташаббускори, Қибрай тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати **Акбарали ЙЎЛЧИЕВ** туманда амалга оширилаётган ишлар, унинг бугунги ҳаёти, келгуси режалари ҳақида гапирди.

– Қибрай донгдор меҳнаткашлари билан бутун дунёга танилган десам, муболаға бўлмас, – деди Акбарали ака. – Ҳозир бизда етти нафар меҳнат қаҳрамонлари ҳаёт. Абдужалил ота Матеқубовнинг меҳнатда кўрсатган жасоратларини ким билмайди, дейсиз. Номи афсоналарга йўғрилган Анастасья Чудная нечалаб илғор сут соғувчиларни етиштирди. Яхшидан боғ қолади, деганларидек, Ҳайдар Амиров экиб кетган азим чинорлар салқинида бугун бизлар ҳордиқ чиқараяпмиз. Биз бундай кишилар билан бениҳоя фахрланамиз. Туманимиз далаларида асосан мева-сабзавот маҳсулотлари экилади. Ўнга яқин жамоа хўжаликларимизда 40 минг тонна сабзавот, 7 минг тонна узум, 10 минг тонна сут, 200 миллион дона тухум етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилади.

Туманимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотларга бир қур назар ташласак, эришаётган ютуқларимиз билан бирга ҳали бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бисёр эканлигига амин бўламиз. Бизда бир неча юзлаб ишсизлар мавжуд. Қўшимча иш жойлари ташкил этиб, уларни иш билан таъминлаш биринчи галдаги вазифамиздир. Беш минг гектар суғориладиган еримиз бор. Бу далаларда қарийб, 15 минг киши меҳнат қилади. Уларнинг ишини енгиллаштириш, маҳсулот ҳосилдорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалигига саноатни олиб киришимиз керак. Изланишларимиз шундай бўлиши керакки, бунда адашишга ҳаққимиз йўқ.

Мана, бугун биз халқимизнинг севимли нашри бўлмиш "Халқ сўзи" рўзномаси ижодий жамоаси билан учрашиб турибмиз. Мамлакатимизнинг мустақиллиги тарихи ушбу газетанинг ташкил этилиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Ватанимиз тимсолларини ўзида акс эттирган "Халқ сўзи" ўз номини оқлаб келмоқда, ҳақиқий халқ минбари вазифасини ўтамоқда. Бу газета мажбуран ўқиладиган газета эмас, ҳеч қандай ташвиқотларсиз ҳам унинг ихлосмандлари жуда кўпчиликни ташкил этади. Бугунги даврамизда ҳам "Халқ сўзи"нинг қибрайлик муштарийлари йиғилишган. Уларнинг ҳар бирининг кўнгилларида газета жамоасига айтадиган гаплари, мулоҳазалари ва ҳатто танқидий фикрлари йиғилиб қолганлиги шубҳасиз. Ахир, ардоқли нашрлари қанчалик ранг-баранг, кенг қамровли тарзда чиқса, уларга шунча яхши-да. Биз бугун очиқчасига, дилдан суҳбатлашиш учун бу ерга йиғилганмиз. Айтмоқчиманки, ҳеч ким тортинмасдан, юрагидаги гапларни айтсин. Ишонамизки, газета ходимлари сизларнинг ҳам фикрларингизни келгусида инобатга олишади.

Учрашувда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири **Анвар ЖЎРАБОЕВ** ушбу газеталарнинг олдида турган вазифалар, келгуси режалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Шундан сўнг, муштарийлар билан ўзаро мулоқот бошланди, уларни қизиқтирган саволларга газета бош муҳаррири ва ижодий ходимлари жавоб беришди. Шунинг баробарида кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз.

Жўра РАЖАБОВ, пенсионер:

– Илгарилари обуна мажбурий эди. "Известия", "Правда" каби қатор "марказий" газеталарга ёзилиш шарт эди. Ҳозир матбуот нашрларига обуна бўлиш-бўлмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Лекин шахсан мен газетасиз туролмайман. "Халқ сўзи"нинг доимий мухлисиман. Янаги йилга ҳам унга ёзилдим.

Албатта, ҳозир бир неча газеталарга бир йўла обуна бўлиш қийин. Баъзиларга эса биттаси ҳам оғирлик қилади. Шу ўринда халқимизнинг ҳайр-саҳоват каби удумидан фойдаланиб, айрим кексалар ҳокимият, турли ташкилотлар ҳисобидан текин обуна қилинса, яхши бўларди. Яна, баъзиларига бу борада имтиёзлар берилиши керак, деб ўйлайман.

Жўра ХОНАЗАРОВ; туман Фахрийлар Кенгаши раиси:

– Мен узоқ йиллардан бери газета ўқийман. Матбуотни жуда ҳурмат қиламан. Очиғи, газетани, асосан, қариялар ўқишади. Чунки уларнинг вақти бемалол. Аммо негадир кейинги пайтларда газеталар, хусусан "Халқ сўзи"да ҳам мақолалар жуда майда ҳарфларда босилаяпти. Баъзиларини ҳатто кўзойнакда ўқишни ҳам имкони бўлмай қолаяпти...

Мирзатилла ЙЎЛДОШЕВ, Қибрай тумани "Маҳалла" жамғармаси раиси:

– "Халқ сўзи" тарихимиз, миллий қадриятларимиз тўғрисидаги мақолаларни янада кўпроқ ёритиб борса, дейман. Халқимизнинг қадимий удум ва урф-одатларини кенгроқ тарғиб этиб, турмушимиздаги ортиқча дабдабалар, тўйлардаги исрофгарчиликларни танқид қилувчи мақолаларни ҳам кўпайтириш керак. Ҳеч кимга сир эмас, ҳозир айримлар тўйларини "обрў учун" ҳаддан ташқари асъаса-ю дабдаба билан ўтказишмоқда.

Бу эса ҳеч бир удумларимизга тўғри келмайди. Агар вақтида бундай ножоиз ҳолларнинг олди олинмаса, у турмушимизда тобора томир отиб, палак ёзиб кетаверади.

Тўлқин ЎРМОНОВ, "Солор" оқсоқоллар кенгаши раиси:

– Мени бир нарса ажаблантиради. Маълумки, Қибрай тумани, асосан, мева-сабзавот етиштиради. Пахта бизда жуда кам экилади. Газеталарда эса мева-сабзавот экадиган хўжалик ва бригадалар ҳақида жуда кам ёзилади. Ахир, бу ноз-неъматларсиз дастурхонимизни тасаввур этиш мумкинми?

Ушбу маҳсулотларни етиштирадиган деҳқоннинг меҳнати машаққатларга тўла. Мухбирлар ана шундай оддий миришкорлар ҳузурига боришиб, улар билан дилдан суҳбат қуриб, уларнинг муаммолари, орзу-ўйлари ҳақида ҳикоя қилишса.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Норин туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигининг Сирмоқ қишлоғи аҳолиси хонадонларида "зангори олов" ёна бошлади. Умуман, жамоа хўжалиги ҳудудида фойдаланишга топширилган газ тармоғи 9 км. га етди. Хўжалик раҳбарлари қишлиқировли кунларга қадар яна ўнлаб хонадонларни табиий газ билан таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

А. МАДАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

"ХЕМАКС" фирмаси жаҳондаги энг йирик гилам тўқувчи машиналар ишлаб-чиқарувчи корхоналардан бири бўлиб, Туркия фирмалари орасида етакчи ўринли эгаллайди.

Ҳурматли ўзбекистонликлар, тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларини гилам тўқувчи машиналар кўргазмасига, "Алпомиш" спорт саройига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу ерда сиз сотиб олиш ва манзилгоҳингизга етказиш ҳақида шартномалар тузишингиз мумкин.

Кўргазма мобайнида гилам тўқиш жараёни намойиш этилади.

(Кўргазма манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Беруний шоҳ кўчаси 41-уй, Беруний метро бекати).

Маълумот учун телефонлар: 46-02-49, 46-03-50

"ХЕМАКС" фирмаси Газиантеп (Туркия)

тел.: (342) 323-41-81 — 4 каналли.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкентда "Хамар" Халқаро Алоқалар маркази (Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси биноси)да тиббиёт соҳасига бағишланган "Тошкент-94" кўргазмаси очилди. Унда жаҳондаги 40 дан ортиқ мамлакатнинг фирмалари иштирок этишаяпти.

Кўргазма ташкилотчиларидан бири — "Ўзтибтехника" Республика ишлаб чиқариш савдо бирлашмасининг раҳбари Саидикром Ахроров мазкур анжуман ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

– Кўргазмада иштирок этаётганлар орасида АҚШнинг "Женерал электрик", Германиянинг "Сименс", "Медипарт", "Драгер", "Мерк", Франциянинг "Сапекс", Японияннинг "Тошиба", Швейцариянинг "Хоффманн Ля Рош" сингари бир қатор етакчи компаниялари бор. Улар ташхис қўйиш (диагноз) асбоб-анжомлари, стомоталогия кабинетлари ҳамда лабораториялари, бир марта ишлатиладиган тиббий жиҳозлар, шунингдек, дори-дармонлар ва бошқа ноёб тиббий асбоб-ускуналарни намойиш этишаяпти.

Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад – Республикамиз тиббиёт мутахассисларини дунедаги илғор мамлакатларнинг шу соҳага оид янгиликларидан хабардор қилишдир. Қолаверса, жаҳондаги машҳур фирмаларнинг мақбул дори-дармонлари харид қилиниши мумкин. Бундан ташқари, кўргазма давомида тиббиётга тегишли долзарб мавзулар бўйича семинар ва симпозиумлар ўтказиш режалаштирилган.

— "Ўзтибтехника" бирлашмаси ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этадими?

– Биз ҳам кўргазмада фаол қатнашаяпмиз. "Юнитех-Интернейшнл" қўшма корхонасининг компьютерли электрокардиограф асбоби, Ядро физикаси институтида ишлаб чиқарилаётган бир қатор тиббий жиҳозлар кўргазма пештахталаридан жой олган.

Шу бугунгача талайгина кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди, десак, муболаға бўлмайди. Бухорода, Сурхондареда ҳиндистонлик шериклар билан, Самарқандда туркияликлар билан ҳамкорликда дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ишга туширилган бўлса, бирлашмамиз қошида жарроҳликда қўлланиладиган махсус ип "Кетгут" ишлаб чиқарадиган завод қурилиши қизғин бармоқда.

Рихсиниса УСМОНОВА,
суҳбатлашди.

• КАРАТЭ

ДИЛДА ВАТАНИ, ОРИЯТИ БОРЛАР ЮТАДИ

ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ОТЛАНГАН ҲАР БИР СПОРТЧИ ЮРТ МАДҲИЯСИНИ ЁД БИЛИШИ КЕРАК, ДУНЁ МИҚЁСИГА ЧИҚИБ БОРАЁТГАН МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН БУ ЖУДА МУҲИМ.

Ҳақиқий полвонлар суҳбатида бўлганмисиз? Уларнинг тилидан эшитилганда бир қарашда жўн туюлган воқеа-ҳодисаларга ҳам "жон" киради. Улар буюмларга рух, ҳайвону жонзотларга ақл-заковат ато этиб гапиришади. Ана шу оҳанрабодек ўзига мафтун этувчи гурунглар бир ипга — элу юрт, Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат тизимига боғланган бўлади. Нурхон ҳам агар таъбир жоиз бўлса, ана шундай полвонлар сирасига киради. Унинг мушоҳадаларида Ватанга муҳаббат, эл-юрт шаъни учун қайғуриш ва бу йўлда фидойилик уфуриб турарди. Каратэ бўйича қора белбоғ 3-ДАН соҳиби (бундан юқори лавозимга мамлакатимизда фақат бир киши сазовор бўлган) Нурхон Нафасов ҳақида яна қуйидагиларни қўшимча қиламиз: Каратэчи бўлишига оиласида ҳеч ким монелик қилмаган. Петербургда ўтказилган халқаро турнирнинг олтин медали соҳиби. Тошкент шаҳар каратэ федерациясининг президенти. Устози — Хўжамқул Хўжақулов.

— Каратэ сир-асрорларини ўрганиш учун киши аввало ўзида қандай хусусиятни мужассамлаштирмоғи керак?

— Каратэ бошқа спорт турларига нисбатан кўпроқ кишидан ўта ҳушёрлик, зийраклик, чексиз ирода, чидам ва жасурликни талаб қилади. Лекин шунга қарамай бу спорт тури билан шуғулланишни ният қилган киши биринчи навбатда ўзида қатъий ички интизомни мужассамлаштирмоғи керак. Қолганлари эса машғулот ва мусобақалар давомида мураббий билан ҳамкорликда шакллаиб боради. Каратэ илмини шунчаки эгаллаб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, кишида истеъдод бўлиши лозим. Негаки у оддий спорт тури эмас, балки санъатдир. Шу боис ҳам кўпинча каратэ-Шарқ якка кураш санъати деб юритилади. Агар бу Шарқ якка кураш санъати тарихига чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, қайсидир илдизлари бизнинг ота-боболаримизнинг жанговар санъатларига бориб уланади. Аниқроғи, буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз аскарларини жанговар юришларга тайёрлашда ҳозирги каратэйнинг усулларидан сабоқ берган. Мен тарихчи олим эмасман, лекин каратэ сўзи "қараб теп" деган тушунчадан олинган деган фаразларда жон бор. Чунки ҳозирги каратэда ҳам спортчилар аввало кўл ёки оёқ ҳаракатларига эмас, рақиб кўзларига жиддий эътибор беришади. Ана шу пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар кўзларда жуда қисқа лаҳзаларда лип этадики, бу кишидан ўта зийраклик ва ҳушёрликни талаб қилади. Юқорида каратэчида дастлаб қатъий ички интизом мужассам бўлмоғи керак, дегандим. Агар каратэчининг бор вужуди, асаблари, эшитиш, кўриш ва барча сезгилари ана шу қатъий ички интизом деб аталувчи тушунча атрофида мужассамлашган бўлса, нафақат рақибининг кўзида акс этган ҳаракат йўналишини, балки бу ҳаракатнинг ундан ҳам олдинроқ мияда пайдо бўлганини ҳам илғай олади. Баъзан бизнинг машғулотларда қатнашиш истагини билдирган кишиларга ички интизом ҳақида гапирсак, улар каратэ илмини эгаллаган кишининг кўчакўйда, жамоат орасида ўзини вазмин, босиқ тута билиши кераклигини тушунишади. Албатта, бу ҳам керак, лекин қатъий ички интизом деганимиз, фақат шундан иборат эмас.

— Нима учун бизда дунё миқёсидаги кучли каратэчилар йўқ?

— Бу саволингиз ўринсиз. Бизда кучли каратэчилар бор ва айни дамда улар кўпчилик: Хўжамқул Хўжақулов, Раҳим Қодиров, Тарон Авакимянц, Темур Мироқилов, Баҳодир Раҳмонқулов, Бурҳон Раҳмонов, Олег Кан ва ҳоказолар. 1993 йил Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон спортчилари ўн тўққиз медалга сазовор бўлганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ўшанда ҳатто америкалик мутахассислар ҳам бизнинг каратэчиларга тан беришганди. 1991-1993 йиллар давомида мамлакатимизда беш марта халқаро миқёсдаги семинар ўтказилди. Ана шу анжуманларда каратэ илмининг махсус дастурини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг қарийб йигирма нафар спортчиси қорабелбоғ соҳиби бўлди.

Ҳозирча бизнинг "Шарқ" клубимиз Американинг LMS, Омскнинг "Кобра", Санкт-Петербургнинг "Аймак" жанговор клублари билан бир занжирда фаолият кўрсатаяпти. Ана шу жанговор клублар вакиллари иштирокидаги бешта семинарни ўтказишда ҳам фақат бизнинг ўзимиз елиб-югурдик.

Мустақилликнинг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган Тошкент шаҳар очиқ биринчилигининг фақат шаҳар миқёсида ўтказишимиз ҳам мумкин эди. Бироқ бизга вилоятлардан қўнғироқлар қилишиб, вакилларини юборишиб, нега республика миқёсида мусобақалар ўтказилмаётганини айтишди. Ва бизнинг мустақилликка бағишлаб ўтказиладиган турнlarimizга таклиф этишимизни илтимос қилишди. Гарчи республика миқёсидаги турнирларни ўтказиш мамлакат каратэ федерациясининг зиммасида, бу уларнинг юмуши бўлса-да, биз вилоятдаги спортчиларни ҳам мусобақаларимизга таклиф қилдик. Чунки бундай турнирлар мамлакатимиз каратэчиларининг маҳоратини оширишда жуда муҳим рол ўйнайди. Республиканинг ички биринчиликлари бўлмас экан, у ҳолда қандай қилиб халқаро миқёсда бизнинг шарафимизни, полвонлар тили билан айтганда ориятимизни ҳимоя қиладиган кучли спортчиларни саралаб олишимиз мумкин? Биз шундай мусобақаларни уюштириш таклифи билан бир неча марта республика каратэ федерациясига мурожаат қилдик. Улар мусобақаларни ўтказиш учун нуқул маблағ йўқлигини рўкач қилишади. Ахир, Тошкент шаҳар каратэ федерацияси мустақиллиқнинг уч йиллигига бағишлаб турнир ўтказдик-ку. Бу турниримизга "Сафари" ва "Китоб-форум" фирмалари ҳомийлик қилди.

Спортчи бирор мамлакат номидан халқаро майдонга отландими, у аввало зиммасига Ватан масъулиятини олиши, нафақат олиши, балки бу масъулият туйғусини чуқур ҳис қила билиши (гўё уруш йилларидаги "Ортимизда Москва, ўзга йўл йўқ" дегандек) керак. Чунки дунё миқёсига чиқиб бораётган мустақил Ўзбекистонимиз учун бу жуда муҳим. Ўша спортчи билиши керак, бугунги вақтинчалик бўлса-да, иқтисодий қийинчиликлар давридаги хорижга қўйилган ҳар бир қадамнинг қадр-қимматини. У, албатта, Ватаним байроғини жаҳон узра баланд кўтараман деган тушунчадан бошқасини билмаслиги лозим. Бунинг учун уларни халқаро миқёсдаги йирик турнирларга бир неча ой қолганда эмас, олдинроқ тайёрлаш керак бўлади. Бу тайёрлаш жараёнида спортчилар ҳатто Ватанимиз мадҳиясини ҳам ёд биладиган даражада бўлиши керак. Биласизми, бир қарашда арзимас бўлса-да, шу нарсалар ҳам спортчининг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлайди, руҳий мадад беради. Қолаверса, Ватан тушунчасини дилдан туйишдан ўзга ширинроқ нарса дунёда бормикан? Ғолиблик кўкрагида орияти бутунларга насиб этади.

Ҳадемай, аниқроғи, шу йил декабрь ойида Малайзияда каратэ бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Унга тайёргарликни аллақачон бошлаш керак эди. Яъни айни дамда жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган каратэчилар шу кунгача сараланиб, қандайдир республика миқёсидаги турнир босқичидан ўтиши лозим эди. Лекин шу нарса бизда бўлмади. Биз фақат Малайзияда Ўзбекистон байроғининг баланд кўтарилиши тарафдоримиз. Бу эса ҳозирдан ҳар томонлама ҳозирлик кўришни маромига етказишни талаб қилади. Республика каратэ федерациясидагилар эса негадир бефарқ.

— Жаҳон чемпионатида совриндор бўлишга лойиқ каратэчиларимиз борми?

— Албатта, бор. Малайзияда Ўзбекистон байроғи, мадҳиямиз садолари остида кўтарилишини орзу қиламан ва бунга ишонаман. Фақат биринчи навбатда жаҳон чемпионатига кимлар бориши ва спортчиларимизнинг қандай тайёргарлик босқичидан ўтганлигига боғлиқ. Чунки каратэ бошқа спорт турларидан ўзининг ғоят нозик томонлари билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бу спорт тури бўйича йирик мусобақаларга қатъий интизом билан ўта чуқур ва пухта тайёргарлик кўриш лозим.

— Ўзингизни Ўзбекистоннинг биринчи рақамли каратэчиси, деб биласизми?

— Сиз менинг қора белбоғ 3-ДАН соҳиби эканлигимга шаъма қилаяпсиз, шекилли. Йўқ, гарчи унвоним юқори бўлса-да, ўзимни сиз айтганчалик зўр каратэчи деб ҳисобламайман. Юртимизда мендан ҳам кучли каратэчилар бор, улар кўпчилик. Устозим Хўжамқул Хўжақуловни эса Ўзбекистоннинг "биринчи рақамли" каратэчиси деб биламан.

— Мураббий ҳақида сўз очдингиз, мана ўзингиз ҳам "Шарқ" клубида аввал устозлик қилгансиз. Менга айтишларича, 300 га яқин шогирдларингиз бор экан. Айтинг-чи, шу шогирдларингиздан каратэнинг қайсидир бир услубини сир сақлаганмисиз?

— Бу табиий. Азал-азалдан Шарқ яккакураши намояндалари шу анъанага содиқ қолишган. Бу деган сўз бориб-бориб каратэчилар маҳорати сўниб боради, чунки мураббийлар шогирдларига каратэнинг энг нозик услубларини ўргатишмайди, дегани эмас. Сўнгги услубларни ҳам шогирдларга, яъни қобилиятлисига мураббий томонидан мерос қолдирилади, қачонки мураббий б соҳадан кетишга қарор қилганда. Мураббийнинг мураббийлик сири ҳам шунда-да.

— Сиз ўзингизни ким деб ҳисоблайсиз, раҳбарми, мураббийми, спортчими? Демоқчиманки, сиз ҳаётингизда улардан қайси бирини устун кўясиз?

— Айни кунда Тошкент шаҳар каратэ федерациясига раҳбарлик қилаётганимни мен ўзимнинг шу спорт билан шуғулланаётганлар олдидаги бурчим деб биламан. Каратэни Тошкентда йўлга қўйиш, ривожлантириш учун бир неча дўстларим билан озмунча тер тўкмадик. Эндиги вазифа Ўзбекистон каратэсининг халқаро миқёсдаги нуфузини тиклаш экан, бу йўлда ўзимни хизматчи деб биламан. Шахсий ҳаётимда спортчи эканимни устун кўяман. Негаки, мураббийлигим давомида шогирдларим билан ишлаб, бу спорт турининг янги-янги кирраларини, сир-асрорларини ўзимча кашф қиляпман, ўрганяпман. Зеро, инсон ҳаётда доим толиб бўлади, дейишадику.

— Машғулотлар майдонига кираётганда ва чиқаётганда ҳар бир спортчининг тўхтаб, жуфтлашган кафтларини юзининг олдига келтирган ҳолда залга таъзим қилишининг гувоҳи бўлдик. Бу нимани билдиради? Бундай одат фақат сизларда қўлланиладими ёки халқаро каратэ майдонида ҳам шундайми?

— Бунда ўзгача бир сир йўқ. Бизда "Бир кун туз еган жойга қирқ кун салом бериш керак", деган нақл бор-ку. Шунга ўхшаш бу харакат машғулотлар майдонига, устозларга билдирилган ҳурматни англатади. Халқаро каратэ майдонида ҳам шундай одат бор.

"Халқ сўзи" мухбири Расул ЖУМАЕВ, суҳбатлашди.

СУРАТДА: каратэ бўйича қора белбоғ 3-ДАН соҳиби Нурхон НАФАСОВ.

• ФУТБОЛ

ҒАЛАБАГА ТЕНГ ДУРАНГ

Ўтган ҳафтада фарғоналиклар катта футбол байрами билан яшаб меҳнат қилдилар десак, муболаға бўлмайди.

Японияннинг Хиросима шаҳридаги XII Осиё ўйинларида футбол бўйича ғолиб чиққан Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасидан 6 вакил бор эди. Вилоят ҳокимлигида Осиё ўйинлари ғолибларини шарафлаш маросими бўлди. Вилоят ҳокими, вилоят футбол федерацияси раиси М. Исломов футболчилар Андрей Фёдоров, Александр Тихонов, Сергей Лебедев, Рустам Дўрмонов, Абдусамад Дўрмонов, Степан Атоянни улкан ғалаба билан муборакбод этди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар, ҳомийларнинг мукофотлари топширилди. Якшанба куни эса шаҳардаги марказий "Спартак" ўйингоҳида футбол байрамининг якуний қисми бўлди. Ўзбекистоннинг икки карра чемпиони "Нефтчи" жамоаси Эрон чемпиони Теҳроннинг "Сайпа" жамоасини қабул қилди.

Осиё чемпионлари кубоги қитъадаги энг нуфузли турнирлардан бири. Турнир 14-маротаба ўтказилмоқда. Маълумки, Фарғонада ўтган минтақавий турнирдан сўнг "Нефтчи" дастлабки босқичда Теҳронда "Сайпа" жамоасига қарши майдонга тушган эди. 30 мингдан ортиқ томошабин кузатиб турган "Озодлик" ўйингоҳидаги учрашув 2:2 ҳисобида якунланган эди. Шунинг учун бўлса керак, томошабинлар, мухлислар "Нефтчи"дан чиройли ўйин, фақат ғалаба кутишга ҳақли эдилар. Ўзбекистон чемпиони дастлабки дақиқаларданоқ ҳужумга ташланди. Биринчи ҳужум гол билан тугалланиши мумкин эди. Чап қанотдан Завальнюк ошириб берган тўпни Дўрмонов дарвозага аниқ йўллай олмади. Орадан 10 дақиқа ўтмай, Фёдоров Бозоровни ана шундай қулай вазиятга олиб чиқди. Ўйиннинг 13-дақиқасида эса Рустам Дўрмонов ва Равшан Бозоров эронликлар дарвозабони Жалол Маҳбубий билан юзма-юз қолишади. Бу курашда дарвозабон маҳорат кўрсатди. Умуман, биринчи бўлимда "Нефтчи" жамоаси бир неча бор дарвозани ишғол қилиш имкониятларини бой берди. Фарғоналиклар ўйини қовушмаётганини сезган эронликлар 2-бўлимни ҳамжиҳатлик билан бошлашди. Улар тез-тез Наримон Осмонов қўриқлаётган дарвозага ҳавф сола бошладилар. Футболда ҳужум қилаётган команда гол уролмаса, рақиби албатта гол киритади, деган қоида бор. Эронликлар бу қоидани амалда исботлашди. 2-бўлимнинг 19-дақиқасида "Сайпа" жамоасининг ўнг қанотдан бошлаган ҳужумини Сабиҳ Саран ниҳоясига етказди. Унинг боши билан йўллаган тўпини дарвозабон уплаб қола олмади.

Ўтказиб юборилган голдан сўнг фарғоналиклар ҳужумга ташландилар. Хужумкорлик 30-дақиқада ўз самарасини берди.

Бозоров — А. Дўрмонов — Бозоров комбинацияси гол билан якунланди. Бу ҳисоб 1:1 фарғоналикларни тўла қониқтирар эди. Шундай бўлишига қарамай, Ўзбекистон чемпиони ўйин охирига қадар ҳужумни бир дақиқа сўсайтирмади.

Энди фарғоналиклар Ғарбий зонадаги 4 ғолиб билан бир гуруҳда ўзаро беллашадилар. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар финал босқичига йўлланма оладилар. Гуруҳ ўйинлари 23 ноябрдан 4 декабргача, финал ўйинлари эса 1995 йилнинг 23-29 январь кунлари ўтказилиши режалаштирилган. Осиё чемпионлари кубоги ўйинларида фарғоналикларга омад тилаймиз.

Набижон СОБИРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Чехия Республикасининг Саноат-савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва кўргазма ташкилотчилари «Ўзбегим Интернейшнл» (Ўзбекистон) ва «Рапид» (Чехия)

Министерство промышленности и торговли Чешской республики, Министерство внешних экономических связей Республики Узбекистан и организаторы выставки «Узбегим Интернейшнл» (Узбекистан) и АО «Рапид» (Чехия)

Сизни ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КУНЛАРИ кўргазмасига таклиф этади

приглашают Вас посетить выставку ДНИ ЧЕШСКОЙ РЕСПУБЛИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

ТОШКЕНТ '94

Кўргазма САВДОГА САНОАТГА ИҚТИСОДИЁТГА *бағишланади*

ТОРГОВЛЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ ЭКОНОМИКА

Кўргазма «Ўзбегим Интернейшнл» қўшма корхонасининг экспозиция залларида 1994 йил 8-14 ноябрь кунлари ўтади. Ишлаш вақти: 10.00 дан 17.00 гача. Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 53А-уй. *Кириш ҳамма учун текин.*

Выставка проходит в экспозиционных залах «Узбегим Интернейшнл» с 10.00 до 17.00 ежедневно с 8 по 14 ноября 1994 года по адресу: г. Ташкент, ул. Чиланзарская, 53А. *Вход свободный*

Кўпайтириш техникаси ила янгилик !



- нуска - 500 ва ундан юқори
- тезлиги - бир дақиқада 135 нуска
- қоғознинг формати - А4 ва ундан кичик
- ранглар - қора, кизил, кук, яшил, сариқ, жигар ранг
- қоғознинг қалинлиги - папирус қоғозидан картонгача
- катталаштириш, кичиклаштириш

"Интерсервис" бирлашмаси куйидагиларни ишлаб чиқишга, тайёрлашга ва кўпайтиришга буюртмалар қабул қилади (турли хил ранглларда):

визит карточкалари
таклифномалар
реклама варақалари
корхонанинг хатлар учун махсус бланкалари
буйруқлар бланкаси
нархлар курсаткичи, маҳсулотнинг ёрлиги, этикеткалар
топшириклар бланкаси
рухсатномалар
корхоналарнинг фирмали конверти
табрикномалар
сертификатлар
гувохномалар

ва босма хизматлари

Тошкент, 700017, Ш.Рашидов кўчаси, 16а
39-45-57 Факс: 32-35-65
Interservice

МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Бухоройи шарифда асрлар оша таралиб келаётган мусиқанинг сеҳрли оҳанглари кимларни ҳайратга солмаган, дейсиз. Яратилиш тарихи мозийга бориб тақаладиган "Шошмақом"ни айтмайсизми? У кўҳна Бухоромиз санъатининг юксак чўққиси эмасми?!

Ана шу ўлмас наволар билан ёш авлод қалбини ошуфта қилиш масъулияти кўпроқ зиё масканлари ходимлари зиммасига ҳам юклатилган. Шаҳардаги Фирдавсий номли кутубхонада ўтказилган адабий-кеча ана шундай мавзуларга бағишланди. Вилоят санъат билим юрти директори Х. Ражабов машҳур бастакор Мухтор Ашрафийнинг ҳаёт ва ижод йўли тўғрисида ҳикоя қилди. Кўзи ожизлар кутубхонасининг ходимлари "Шошмақом"дан парчалар ижро этдилар.

С. РАҲИМОВА, кутубхоначи.

"Эмас" ва "Имбат Фуарчилик" *фирмалари*

Ишбилармонлар, тадбиркорлар, пойтахтимиз аҳолиси ва азиз меҳмонларини 26 октябрдан 30 октябргача Тошкентдаги "Алпомиш" спорт саройида бўлиб ўтадиган учинчи ҳалқ истеъмол моллари саноат кўргазмасига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Кўргазма соат 10.00 дан 17.00 гача ишлайди. Кўргазма барча хоҳловчилар учун очиқ.

(Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Беруний шоҳ кўчаси, 41-уй, Беруний метро бекати)

"Имбат Фуарчилик" фирмаси Селаник шоҳ кўчаси 41/3.

06650 Анкара/Туркия./Тел.: (312) 4193272-73. Факс: (3120) 4175253.

"Ўзпаррандасаноат" республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси "Тошбулоқ" паррандачилик фабрикаси директори Баратов Арслонга умр йўлдоши

Баҳор БАРАТОВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

"Ўзэлектрокабелсавдо" ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият бош директори Б. О. Оқилхонова волидан муҳтарамаси

Обида Ҳамдам қизи ХОЖАХОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри жамоаси театрнинг режиссёри Х. Файзиевга акаси, Ўзбекистон ҳалқ артисти

Латиф ФАЙЗИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР: *Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Ахборот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — Ф. Санаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №0001 Буюртма Г. — 1197 71326 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 20.50. Босишга топшириш вақти — 21.00. 1 2 3 4 5 6